

...Бу йилги Наврўзимизнинг ҳар томонлама хосиятли, қутлуғ қадамлар билан бошланаётганига ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Шу кунларда Ватанимизнинг бепоён ҳудудларида, шаҳар ва қишлоқларида, сўлим гўшаларида Наврўз сайилларини кекса-ю ёш — барча юртдошларимиз катта хурсандчилик ва баланд руҳ билан ўтказаяётгани бунинг яққол дарағи ва тасдиғи бўлмай, иншоолло.

Барчамизнинг тилагимиз — Яратганимизнинг ўзи эл-юртимизга, ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга файзу барака, бахту саодат берсин, дастурхонимизни тўкин, ризқимизни бутун қилсин.

Ўзбекистон Президенти Ислам КАРИМОВнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табригидан

## Mustaqillik huquq demakdir

# Ўзбекистон



ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ БОШ  
ПРОКУРАТУРАСИНИНГ  
НАШРИ

1997-йил 27-avgustdan chiqa boshlagan

2007-йил 21-mart, № 12 (533)



Бахт ва яшарип, гўзаллик ва нафосат элчиси бўлиб юртимизга энг суюкли байрам — Наврўзи айём кириб қелди. Наврўз нафақат она табиатдан, балки ҳар биримизнинг қалбимиздан бошланади. Чехралардаги қувноқ кайфият ва хуш табассум, дилчимиздаги шодонлик, шукроналик ва кўклар соғинчи, дастурхонларимиз тўкинлиги Наврўз ташрифидан нишонлади. Юртимизнинг қайси гўшаларига борманг, ҳамма жойда Наврўзи олам тантаналари, сайиллари устидан чиқасиз. Бу кун барча-барча бир-бирини муборақбод этиб, энг эзгу тилакларини изҳор этади. Юртимиз тинч-омон, ризқ-рўзимиз бутун бўлсин, деҳқончиликка барака берсин дея ният қиладилар. Яхши ният билан яшаб, эзгулик уруғини сепадиган меҳроқибатли халқнинг келажаги эса албатта порлоқ бўлади. Ҳар бир кунингиз Наврўз бўлсин, азизлар!

Суратларда: Навоий номидаги Миллий богда бўлиб ўтган Наврўз тантаналаридан лавҳалар.

Сарҳисоб

## ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ КАФОЛАТИ

Ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг қанчалик янги-ланиб, тараққиёт йўлидан илгарилаб бораётганини бугунги воқеликни кузатган ҳар бир киши англаб олиши қийин эмас. Бу жиҳат айниқса яқинда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юнвонлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов қилган маърузада яққол намоён бўлди.

Давлатимиз раҳбари маърузасида республикада кечаётган янгиланиш ва тараққиёт йўлини чуқур таҳлил қилиб бергани ҳолда 2007 йилдаги устувор вазифаларга ҳам эътиборни қаратди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакат равнақи ва келажаги учун Президентимиз маърузасида айтилганидек, «...мамлакатимизда демократик-ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш, бир сўз билан айтганда ҳақиқатан ҳам ҳеч қимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этиш учун ўзимизнинг куч-қувват ва ҳаракатларимизни амаслигимиз керак».

Шу нуқтаи назардан Навоий вилоят прокуратураси органлари фаолиятига тўхталганда бўлсак, 2006 йилда вилоятда қонун устуворлигини таъминлаш, ижтимоий, сиёсий ва криминал вазиятни барқарорлаштириш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Мазкур йўналишдаги фаолият ислохотларни чуқурлаштириш, қишлоқда ағдар ва иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилиш, ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳамда давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва маънавиятни юксалтиришга қаратилган қонунлар, Президент фармонлари, ҳўкумат қарорлари ва Республика Бosh прокуратураси кўрсатмалари асосида олиб борилди.

Фуқароларнинг ҳўқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида асосий эътибор ҳўқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларнинг конституциявий ҳўқуқларини ҳимоя қилиш, давлатнинг иқтисодий асосини янада мустаҳкамлаш, бозор иқтисоди муносабатлари иштирокчиларининг мулкий ҳўқуқларини муҳофазалаш ва уларнинг ҳўжалик-ҳўқуқий алоқаларини такомиллаштиришга қаратилди.

2006 йилда қонунлар ижросига оид 405 та текшириш ўтказилиб, аниқланган қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан 5400 дан ортиқ прокурорлик назорати ҳўжатлари қўлланди. Хусусан, 107 та жиноят иши, 1126 та маъмурий, 686 та интизомий иш қўзғатилди. Ҳўжалик судига давлат, қишлоқ ҳўжалик корхоналари, деҳқон ва фермер ҳўжаликлари, тadbirkorлар манфаатини кўзалган ҳолда 1 млрд. 556 млн. сўмлик 451 та давво аризаси киритилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тadbirkorлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан Хатирчи туман марказий шиғфонасига қарашли «Олтинсой» ва «Лангар» врачлик пунктларида ўтказилган текширишда ҳисобчи-хазиначи Ё.Худойбердиев «банкда нақд пул йўқлиги сабабли ходимларнинг иш ҳақи берилмади» деган баҳона билан 2 млн. 414 минг сўмлик иш ҳақини ўзлаштирилганлиги аниқланиб, жинойий жавобгарликка тортилди.

(Давоми 4-бетда).

### Семинар



Юртимизнинг истикболи ҳар бир фуқаронинг ўз бурчига масъулият билан ёндошувиغا боғлиқ. Бунда, айниқса, молиявий муносабатлар, давлат бюджетини шакллантириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқларини ўз вақтида тўлаши муҳим саналади. Бу борада тарғибот-ташвиқот ишлари, юзма-юз мулоқотларнинг аҳамияти катта. Шу боис Бosh прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жинойий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг унинг Қорақалпоғистон, Тошкент шаҳри ва вилоятлар бошқармалари матбуот гуруҳи ходимлари иштирокида семинар ўтказилди.

## ҲАМКОРЛИККА ЯНА БИР ҚАДАМ

Семинарда департамент бошлигининг биринчи ўринбосари З.Дўсанов ҳўқуқ-тарғибот ишларини олиб боришда эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар тўғрисида гапирди. Бosh прокурорнинг соҳага оид буйруқлари ижросини таъминлашда аҳамият қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар ҳақида Бosh прокуратура қонунчилик тарғиботи бўлими бошлиғи С.Ортиқова маъруза қилди. Шунингдек, семинарда Бosh прокуратуранинг қонунчилик тарғиботи бўлими ходимлари, департаментнинг бўлим бошлиқлари ва журнали-

стлар қатнашишди. Департамент органларида 2006 йилда тарғибот тadbirkorларини ўтказишда йўл қўйилган камчиликлар, уларни бартараф этиш ҳақида матбуот гуруҳи катта инспектори Г.Раззоқовнинг ҳисоботи тингланди. Шунингдек, Бosh прокуратура ва департамент ходимлари сўзга чиқиб, ҳисоботларини тузиш, солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашишнинг ташкил этиш, ижро ва хизмат интизоми тўғрисида, тарғибот ишларини олиб боришда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари

ҳақида фикрларини билдиришди.

Куннинг иккинчи ярмида матбуот гуруҳи ходимларининг журналистлар билан бўлган учрашуви қизқарли савол-жавобларга бой бўлди. Мазлумки, департамент ходимлари олдига иқтисодий жиноятларга қарши курашишда ҳўқуқ тарғиботи тadbirkorларини амалга оширишни кучайтириш ишлари асосий вазифалардан бири этиб белгиланган. Ушбу вазифаларни бажаришда ОАВ имкониятидан кенг фойдаланишнинг аҳамияти беқеъдир.

Ўз мухбиримиз

# Наврўзни қаршилар

## ҚУЁШГА ТАЛПИНГАН ДИЛЛАР

Якшанба куні ҳаво булут эди. Уч яшар неварамнинг «Офтоб қачон келади?» деган саволига беихтиёр «Наврўзда» деб жавоб бердим. Утган ёз жазирасида қўсаган, энди меъдага теккан ёгин-сочинли кунларда гўдақдан тортиб кекса-ю ёшнинг, катта-кичикнинг кўнгли иссиққа, қўбшага талпиниши табиий. Туронда Наврўз 3000 йилдан бунён энг нуфузли байрам сифатида нишонланиб келган. Аждодларимиз бу байрамга аввалдан тайёргарлик қўришган, бир неча кун мобайнида нишонлашган, баъзан халқ сайиллари ҳафталаб давом этган. Узаро низолар унутилган. Фанимлар босқин уюштиришга ботинишмаган. Турли замонларда байрам гоҳ кенг, гоҳ ихчам нишонланган бўлса-да, наврўз мазмун-моҳиятини йўқотмаган. Баракали йил арафаси сифатида одамлар дилида эзгу туйғулар, умид-нишон уйғониб, катта хирмон уйиш ниятида иш бошлашга чорлаган. Улғу алломаз Абу Райҳон Беруний: «Кеча ва кундуз тенглашган кунда одамлар кўчалардаги ҳамма дўконлар бақтиқилилади. Амир саройи қаршида, Регистонда ярмарка очилади. Байрам кунлари бу ерга теварақдан Бухоронинг барча аҳолиси — бой ва камбағаллар, кекса-ю ёш оқиб келишади. Савдогар ва дўкондорлар молларини шу ерга келтириб, вақтинчалик чодирлари олдиға ёйишади. Савдогарларнинг ови юришади, кўзбойлагич ва машоқлар кўнглиларни хушнуд этишади. Ҳамма кўнглишлик қилади, беизни, жуда кўп ичиладиган кўчойни айтамаганда, ҳеч ким майхўрлик қилиб, маст-аласт қўрмайди».

Наврўз турли ҳоқонлар, чунчон хоразмшоҳлар даврида оташпарастликнинг сарқити сифатида таъқиқланган бўлса, яқин ўтмишда — совет замонида эса аксинча, келиб чиқши, мазмун-моҳиятидан беҳабар айрим «ғоявий раҳнамолар» уни диний байрам сифатида қоралашган, чеклаб қўйишган эди. Таъқиқ-таъйилларга қарамай у халқимиз дилида қайта-қайта япроқ ёзаверди. Истиклолга эришганимиздан сўнг наврўз расман умум-халқ байрами деб эълон қилиниб, қарогон кунларга талпинган дилларни мунавар этиб келмоқда.

Қадимда кўкларнинг қириб келиши, бўлажақ ҳосилга уюлди-ишонч нишонаси сифатида байрам қилинган наврўзнинг бугунги мазмун-моҳияти чуқур ва терандир. Яқин аъналардан бири — байрам арафасида, 10 — 11 март кунлари ўтказилган ҳашардан сўнг йил сайин чирой оцаётган Фарғонанинг кўча ва хиёбонлари янада кўркамлашди. Дилларда чинор шохларидати каби янги, эзгу орзу ва мақсадлар куртақ ёзди.

Тушдан кейин ақаси билан ҳовлида ўйнаётган набирам «Ана офтоб, наврўз» дея суюнчилади. Уз-узидан «Хар кунингиз наврўз бўлсин, ниятларингиз рўббага чиқарилсин» деган тилак дилимдан тилимга кўчди. **Исроил ИБРОХИМОВ,** «Huquq» муҳбири

Юртимизнинг барча гўшаларида бўлганидек, бу йил кашқадарёликлар ҳам Наврўз байрамига катта тайёргарлик қўришди. Устма-уст хайрия ҳашарлари уюштириб, кенг қўламли ободонлаштириш ишларини амалга оширдилар. Бир сўз билан айтганда, воҳамиз аҳли кутлуг айёмни шаҳар ва қишлоқларини саранжом-саранжом айланиб қарши олди.



## НАВРЎЗ ЭЗГУ ИШЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

Мамлакатимизда жорий йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши саховатпеша халқимизни янада кўпроқ хайрли ва савоб ишлар қилишга руҳлантириб юборди. Тадбиркорлар, маҳалла фаоллари бева-бечоралар, ногиронлар ҳамда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам беришаёпти.

Вилоят прокуратураси жамоаси ҳам хайрият тадбирларнинг бирор-тасидан четда қолаётганини йўқ. Улар Наврўз байрами олдидан Қарши шаҳридаги «Нуристон» маҳалласида яшовчи 16 та боғувчисини йўқотган, ночор ва ногиронлар оиласига ёрдам кўрсатишди. Бундай хайрият аънада бир неча йиллардан бунён давом этиб келаётган. Шунингдек, ҳамма ўзлари билан бирга ишлаб, пенсияга чиққан ўн кишини ҳам ҳар байрамда тақдир қилиб, тўқтин дастурхон атрофида суҳбат қўришади, улардан маслаҳатлар олиб, соғна-салом улашишади.

Вилоят прокуратураси жамоаси бу йил ҳам Наврўзни кўтаринчилик билан байрам қилди. Дашқо-

зонларда сумалаг-ўрмалар қайнади, дастурхонларга кўк сомса, кўк чучвара, исмалоқ, пичак ва бошқа тансиқ таомлар тортилди. Ҳамма дастурхон атрофида жам бўлди.

Вилоят прокурори Эшдавлат Жўраев йилгиланларни байрам билан табриқлади. — Наврўзи олам ўзининг кўрк-у таровати, маъно-мазмунини билан бошқа байрамлардан ажралиб туради, — деди у. — Наврўз — меҳроқибат, қадр-қиммат, хайр-саховат байрами. Бундай кунларда ҳар бир инсон табиатдан баҳра олиб, қалбиди энг эзгу тиллақларини, орзу-умидларини рўббага чиқаришга интилади.

Қир-адирларга чиқиб тевараққа қарасангиз, яшил майсалар чиройли товланишининг гувоҳи бўласиз. Ризқ-рўзимизни бошида тутиб ўсаётган бугўл майсалари оҳиста тебранади. Дала ва кенгликларга боқиб, дилингизда завқ уйғонади. Жимирлаб ёғаётган ёмғирни кузатиб, «Яратган эгамнинг қўлирати билан бу йил ҳосил мўл бўлсин» дея пичирлайсиз. Кўнглингизда

шундай бетакрор иқдими, гўзал дилерни Ватан этиб, бизга насиб қилганига шукрона айтасиз. Баҳоримиз файзли, экинларимиз серҳосил, баракали бўлсин дея ният қиласиз.

Яқин ниятларимизни оллоҳнинг ўзи рўббага чиқарсин. Баҳорий кайфият ҳаммангизнинг ҳамроҳингиз бўлсин.

Вилоят прокуратураси жамоаси ҳар йили Наврўзни шундай яқин ният билан қарши олади, хушвақтлик билан байрам қилади.

Наврўз — янгиликни, меҳроқибат байрами. У қалбимизни гўзалликка ошурта элади, эзгу ишлар сари чорлайди.

Норбўта ҲОЗИЕВ

**Суратда:** Қарши шаҳар прокуратураси ёрдамчиси М.Қаҳбердиева, вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Б.Тулаев, вилоят прокуратураси бўлим прокурорлари К.Қурбонов ва А.Саидқўдиловлар баҳорнинг шаҳ таоми сумалакни кўзлаб, дуога қўли оғиб туршишда.

**Ж.НОРҚОБИЛОВ** олган сурат

Қашқадарё заминида истиқомат қилиб келаётган инсонлар қадимий ва азалий удумларини сақлаб, янада бойитган ҳолда давом этириб келаётганини қувонarli ҳол. Мен ҳам авлодларимга бу ота юрт муқаддас экани, ҳатто ҳар бир гиёҳи бетакрорлиги ҳақида айтгим келади:

Кўргазиб ойдек жамолни,

гулбаҳор келмиш бугун,

Гул сайрига бошлабон, гулчирой елмиш бугун, Ошиқларини лол этиб, гул териб зебо бугун, Кўнглимизда ажиб сеғоҳ — Наврўз бугун! Қирлардаги гул исси, чечакларда гул фасли, Адирларда лолалар, маст этар гул нафаси, Тилим лол, юрагимда жўшар ёрнинг ҳаваси, Ташласа на қилур бир нигоҳ, Наврўз бугун!



байрам. Ҳар бир қишлоқ аҳли яйлос ва қирларга кўчиб чиққан. ...Дилимнинг туб-тубида дўмбидра, чанқовузнинг саси, кўбининг ноласи яшайди. Сабаби, эсимни танибманки, улғу туйғулар мени аллақанда, отам, акам, қишлоқдошларим дostonлар қўйлаганда онамнинг тиззаларига бош қўйиб, шу оҳанг оғушида ухлаганман, улғайганман.

Буни қаранг, яралганига неча минг йиллар бўлган Наврўзтепага ҳатто қариялар ҳам югургилаб кетаяптилар. Шу кунларга етганларига шукрона айтиб, ал-

ларим сари қадам қўйсанг, аямайман, шу айри таёқ билан билганимдай қиламан!» деганида қишлоқ аҳли бир гувераниб, ўрнидан турди. Минглаб аҳолининг оёққа қалқидан хайиққан шўро раиси тошдай қотди. «Раис болам, биламан, ўқитувчисан. Сиёсатини қўй, касбинга қайт, халқнинг қарғишини ол!» Сен бу ерга келмадинг, биз сени кўрмадик. Халқнинг кайфиятини бузма!» деганидан сўнг келганлар бир сўз демая ортга қайтди. Яна ўйин-қўлги, йилбошининг аъна-налари давом этган бўлса-да, юракларда ўша сиёсатнинг захри қолди. Бугунги озод кунларнинг қадрига етмоқ учун ҳам у кунларни эслаб туриш лозим деб ўйлайман. Азиз юртдошларим, Наврўз кунлари Қаш-

## ҚАДРИЯТЛАРИ ҚАДР ТОПГАН ЭЛ

Шу сатрларни ёзаяман-у, бу масканда қай бир ўлганлар, дostonлар қўйланганини тасаввур этаман. Майсаларга юзларимни босаман, аждодлар нафосини туйгандай бўлсам, туюқлар саси, молларимнинг сармаст қулгўларини эшитгандай бўлсам. Ҳува ана Наврўзтепа, у ҳақда сўйлаганда юз ёшли отамнинг юзлари-га қизиллик югуради, бу энг бахтиёр донларни ёдга тушганидан бўлса керак, тўқсон ёшли онамга змидан қараб, сирли жиммайиб қўяди. Сўнг асларини қаритган дўмбирасини қўлга олганча термалар бошлади:

Ҳай, ёрай-й,

Кўнғиротини-туғма ботирим,

Хар жигити мингга тотирим,

Ўн минг уйли, юз минг қўйли,

Бойсаридан қолган хотирман...

Менинг кимлигим айтди сизга,

Керагада турган анов дўмбира,  
У оддий ёнқонинг танаси эмас,  
Бойсари бобомдан қолган хотира...

Ҳай, ёрай-й...

Аждодлардан қолган мерос — дўмбира, қўбиз, чанқовузнинг сеҳридан лол бўлиб, адирларга ўрлайман. Минг йиллардан бери тақдорланиб келаётган удумларнинг давом этаётганидан, қирларда оқ-қора ўтовлар тикилиб, ажиб тароват касб этганидан хайратини охиб, ғурурдан юрагим ҳақираётганини, бу туйғуларни қоргоза муҳриб бўлмаслигини ҳис этиб турибман. Ўтовлардан қиз-жувонлар йилбоши бўлаётган қирга ўзлари пиширган турли таомларни қўтариб келаётганини кузатганимизда эди, сиз ҳам албатта шоир бўлиб кетардингиз.

Мен борган Қамашининг қирида чинакам

батта тепаликка ўз оёқлари билан чиқши ва барча қишлоқдошларига қўшилиб юмалаб тушишлари лозим. Бундай юмалаб тушиш уларнинг қанча умр қўришига ишора эмиш. Барча гина-қудуратларини, ташвишларини унутиб Наврўзтепадан юмалаб тушаётган қишлоқдошларини кузатарканман, уларнинг умрлари боқий бўлишини оллоҳдан тилайман.

Бундан йигирма йил илгари бу масканда Наврўз шодийналарни ўтказилаётганда сиёсат арбоблари сумалак, ёрма, йил оши пишириб ўтирган қишлоқдошларим бошига эдим, дағдаға қилганларида ҳам шу ерда эдим. Ушанда элнинг оксоқоли, отаганим (2000 йилда 100 ёшида оламдан ўтди) Ашурмард машинадан тушиб, таомлар томон оқилаётган, юзларидан қаҳр ёғилиб турган кимсаларнинг олдини тўсиб чиқди, «ҳамқишлоқ-

қадарига келинг, қир-адирларда табиат билан бириштириб кетган, танги, қадриятларини бошига кўтарган юртдошларим билан ўтовларда ўтириб, йил ошидан тотин!» Бу йил ҳам Яқабоб, Қамашини, Чирқочи тоғларини Бағрида улғу боболаримиздан қолган қадриятлар асосида қўнкари, човгон ўйинлари давом эттирилмоқда. Чўнки миллий қадриятларнинг қайта тикланиши халқимизга янада қувват бағишлади. Қанча ишбилармон, тадбиркорларнинг Наврўз байрами учун атаганлари бор. Бу кун бир-бирини қўллаш учун келаётганларга қўшилиб, ўзингизни унутасиз. Қадриятлари қадр топган эл асло ўлмайди. Гул фасли, Наврўзи олам барчангизга янги, бетакрор кунни бошлаб берсин.

Шарофат АШУРОВА,

Халқаро «Олтин мерос» хайрия жағмараси Қашқадарё вилоят бошқармаси бошлиғи



# мунаввар олам!

**Кўп одамлар дам олиш кунлари уйда — оила давра-сида ҳордиқ чиқаришади. Аммо баъзи бир соҳа ходимлари борки, улар байрам ва дам олиш кунлари эл-юрт хизматида бўлади. Уларнинг меҳнатини эътироф қилган ҳолда «Наврўз байрамини иш жараёнида қандай кутиб оласиз?» деган савол билан мурожаат қилдик.**

санд бўлса, соғ-саломат туғилган чақалоқни она барига топшириш ва унинг юзигада табассум биз шифокорлар учун катта байрамдир. Барча ҳамкасбларимга, халқимизга Наврўз айёми муборак бўлсин!

**Олим ҚОСИМОВ, автобус ҳайдовчиси:**

— Ҳайдовчи бўлиб ишлаётганимга салкам 20 йил бўлди. Кўп ҳолларда рейсга чиқишим байрам кунига тўғри келган. Буни қарангки, эртага — Наврўз байрамини кунга яна рейсга чиқаман. Байрам кунлари йўловчилар юзига хурсандчилик ва болаларнинг шодлигини кайфиятимиз кўтарилади. Одатий кунларда эса ҳамма ишга, ўқишга ва бошқа юмушларга шошган, асабийлаш-

кўпаяди. Саҳарлаб соат тўртдан хамирини оширишга қўямиз. Эрталаб соат олти яримдан нон ёпишни бошлаймиз. Шу кунга нон ёпишга кўнлаб буюртмалар оламиз. Байрамда кўнлаб таомлар бўлади-ю, лекин нон ҳаммиса дастурхон кўржи бўлиб қолаверди. Касбимдан фахрланаман, чунки биз доимо эл-юрт хизматида. Наврўз юртимизга रिзқ-рўз, барака олиб келсин!

**Зинада ГАЛИМОВА, «Азамат-Барака» озиқ-овқат дўконининг сотувчиси:**

— Эртага Наврўз байрамини харидорлар кўнайтиб кетади. Керакли маҳсулотини дўконимиздан харид қилган кишиларнинг хурсандчилиги бизнинг иш кунимиз бекор кетмаганидан дало-

байрами кунини Москва, Уфа, Урганич, Самарқанд, Бухоро ва Китоб йўналиши бўйича поезд рейслари бўлади. Ходимларимиздан ҳаммиса хушмуомалалик ва масъулият талаб қилинади. Айниқса, байрам кунлари бунга эътибор кучаяди. Инсонларнинг узоғини яқин қилишга ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман. Йўлга чиққанларнинг сафари бехатар бўлсин!

**Муъяссар МАРИПОВА, Тошкент шаҳридаги АТС оператори:**



— Наврўз кунини навбатчиликда бўлам. Байрамни ҳамкасблар билан кутиб оламиз. Уша кунини шошилинч кўнғироқларни қабул қилишда икки операторимиз хизматда бўлади. 10-12 та машина ва барча навбатчи шифокорлар кеча-ю кундуз эл хизматида. Чақирув бўйича борганимизда муолажамиз билан тузалган беморларнинг кўзигада

## ХАЛҚИМИЗ ОМОН БЎЛСА, БАС!

Умида ФАЙЗИЕВА, Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 3-туғруқхона бош шифокори:

— Туғруқхоналар дам олиш кунлари ва барча байрамларда ишлайди. Байрам кунини туғруқхонада 3 та акушер-гинеколог, 1 та болалар шифокори ва яна 1 та реанимацион-анестезиолог навбатчиликда туради. Бундан ташқари, ўрта ва кичик тиббий ходимлардан 30 ёки 35 бештаси мунтазам навбатчиликда бўлади. Она юрагининг бир парчаси бўлган фарзанд дунёга қай вақтда келишини ёлғиз оллоҳ билади. Масалан, туғруқхонамизда 2005 йил 21 март — Наврўз байрамини кунини 11 та чақалоқ дунёга келган. Она фарзанди айнан байрам кунини туғилганидан хур-

ган чехраларни кўрасиз. Наврўз байрамини уйда нишонлай олмасак-да, халқимиз хизматида турганлигимиздан хурсандимиз. Баҳор ойлари транспорт ҳайдовчилари учун жуда қулай. Наврўз барчамизга эзгулик олиб келсин!

**Абдулхон НАБИЕВ, нововей:**  
— Касбимиз оддий касб бўлса-да, аммо халқимиз дастурхониди ҳар кунини меҳнатимиз намоен бўлади. Бошқа таомни ҳар кунини есангиз мезангазга тегиши мумкин. Аммо нон унақа эмас. Эртага Наврўз байрамини кунини ишимиз

лат беради. Харидорларнинг табригини, миннатдорчилигини эшитганимда қувониб кетаман. Байрам кунини ҳам дўконимиз эрталаб соат 8 дан кечаси 10 гача халқимизга беминнат хизмат қилади.

**Фурсатдан фойдаланиб, барчани Наврўз билан табриклайман!**

**Абдулла ЭШХЎЖАЕВ, майор, Собир Раҳимов тумани ИИБ профилактика катта инспектори:**

— Кўпчиликка маълум, байрамларда биз ички ишлар ходимлари доимо хизматда бўламиз. Наврўз байрам кунини худуддаги аҳолининг тинчлиги ва хавфсизлигига маҳалла посбонлари, раиси, сардори ва уй бошлиқлари маъмулдир. Маҳаллада бўлиб ўтадиган барча байрам тадбирларининг тинч ўтишини таъминлашда бизга катта масъулият юкланади. Барчамизга Наврўз тинчлик ва хотиржамлик олиб келсин!

**Мохинур ЭРМУҲАММЕДОВА, Тошкент темирўл вокзалда маълумот берувчи:**

— Бизда доимо иш қизғин. Дам олиш кунини ва барча байрамларда халқимизга сиққидилдан хизмат қиламиз. Бу йилги Наврўз

— Наврўз ва бошқа байрамларни доимо эл хизматида кутиб оламиз. Ҳеч ким кундалик ҳаётини телефонсиз тасаввур қилмас керак. Байрам кунлари эса бунга талаб янада ошади. Инсонларнинг бир-бирини табриклаши, ҳол-аҳвол сўрашида алоқа тармоғи хизматининг ҳиссаси ўзгача. Наврўзда яқинларингизга кўнғироқ қилиб, табриклашни унутман!

**Исроил ЙЎЛДОШЕВ, Республика ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси бўлим бошлиғи:**

— Ёнгин хавфсизлиги хизматида салкам 30 йилдан буён ишлайман. Аммо ҳали бирон марта байрамларни уйда кутмаганман. Доим ҳамкасбларим билан ишхонада кутиб олам. Байрам кунлари юз фоизли кучайтирилган хизматда бўламиз. Тантаналар бўлиб ўтадиган жойларга навбатчи бригадамиз юборилади. Бирон жойда ёнгин ҳақида хабар келса, юрагимиз гаш бўлади. Бу йил ҳам Наврўзни хизмат бурчимни адо этган ҳолда кутиб олам. Халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаёти биз учун ўзига хос байрамдир.

**Дилбар САИДВАЛИЕВА, Тошкент шаҳридаги 2-шошилинч тиббий ёрдам маркази шифокори:**

қувонч бизни ҳам қувонтиради. Нафақат байрам кунини, балки ҳар доим ҳамма ўз соғлиғига бефарқ бўлмаслигини истар эдим. Барчамиз соғ-саломат бўлайлик!

**Нуржон УСМОНОВ, Тошкент шаҳар ЙХХББ марказий диспетчерлик бўлими навбатчиси, катта сержант:**

— Наврўз кунини эрталаб соат 9 дан 22 март эрталабки соат 9 гача навбатчиликда бўлам. Шу кунини Тошкент шаҳрида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, рациялар орқали маълумот олиш ва бериш, авария ҳолатларида дивизион командага топириқ бериш, худудларга нарядлар қўйишга маъмулдир. Байрам кунлари алкоғолли ичимликларни истеъмол қилиб, машина ҳайдаш ҳоллари кўпаяди. Натижادا турли автоҳалокатлар юз беради. Фалокатларнинг олдини олишга ҳаракат қилайлик!

**Дилноза ТУРСУНХЎЖАЕВА, стюардесса:**

— Наврўз байрамини худо хоҳласа парвозда, ҳамкасблар билан кутиб оламиз. 21 март кунини Тошкент-Париж рейсига парвоз қиламиз. Экипаж аъзолари ва борт ходимлари, навбатчи кассир ва авиакомпания маъмурияти зийраклик ва масъулият билан вазифасини адо этади. Парвозлар бехатар ўтишини, шунингдек, байрам барчага яхшилик олиб келишини тилаб қоламан!

**Гули ҲОЖИБОЕВА, «Huquq» мухбири**



## Янги кун тадориги

Наврўз байрамини муносабати билан Хоразм вилоят прокуратураси, ҳокимлик, ўрта-маҳсус ва касб-хунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида лицей ва коллежларда таҳсил олаётган, ота-онасидан ажраган 172 нафар болага маънавий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, ҳаётда муносаб ўрнини топишга кўмаклашиш мақсадида Урганч муносаб-қурилиш коллежида хайрия тадбири бўлиб ўтди. Унда болалар муסיқий дастур намойиш этишти, ҳомийлар совғаси улашилди.

Шунингдек, вилоят прокуратурасида ҳам байрам кенг нишонланди. Прокуратура фахрийлари иштирокида мевали ва манзарали дарахт ҳамда гул кўчатлари ўтказилди. Сумалак сайли ташкил этилиб, кексалар ва вазифасини намунали бажарган ходимларга совғалар берилди.

**А. ВАХОБОВ,**  
Хоразм вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

## Аму бўйларидида баҳор

Тўғриси айтганда, мамлакатимизнинг бошқа худудларига қараганда Қорақалпоғистонга баҳор анча кечикиб келади. Лекин Аму бўйларидида баҳор таровати эрта кўзга ташланади. Бугун воҳанинг қаерига борманг, Наврўз нафасини хис қиласиз. Соҳибқор-у богдон, деҳқон-у чорвадор, ҳамма-ҳаммаси ўз иши билан банд. Дов-дарахтлар уйғониб, далалар гулга буркана-япти.

Йил йилга ўхшамаса-да, ўтган йилги кўнғиротликлар учун омади бўлган эди. Айниқса, пахтачиликдан юқори ҳосил олинди. Сабаби ерлар ҳақиқий деҳқонларга бўлиб берилганлигида бўлди. Кўнғиротлик 436 та фермернинг 30 таси 2006 йилда шартномани икки ҳисса ортига билан бажардилар.

Туман прокуратураси ҳам бу ишлардан четда тургани йўқ. Техника, ёнгини-мойлаш материаллари, минерал ўғит таъминотини назоратга олиб, ишнинг тўғри ташкил этилишида кўмакчи бўлишти. Натижادا баъзи талон-тарожликларнинг олди олинди. Шу мақсадда ўтган йилги 36 та текшириш ўтказилиб, 59 та тақдимнома киритилди.

67 киши маъмурий, 144 таси интизомий жавобгарликка тортилди. 328 киши оғохлантирилиб, битта жиноят иши кўзғатилди. 1 миллион 621 минг 900 сўмлик зиён ундирилди.

Ҳозир тумандаги 56 та мактабда 22 минг 400 нафар ўқувчи таълим олаётди. Уларнинг етук шахс бўлиб етишишда устозларнинг меҳнати, қолаверса миллий қадриятларимиз, жумладан Наврўз байрамининг аҳамияти беқиес. Шу-боис мактабларда бу улуг айёمنى муносиб нишонлаш чоралари кўриляпти.

2007 йил мамлакатимизда Президентимиз томонидан «Ижтимоий химоя йили» деб эълон қилинди. Шу мақсадда тумандаги 221 та хонадонга белул соғин сигир бериш режалаштирилган. Шунингдек, байрам арафасида ёлғиз яшовчи кишиларга, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларга ҳам моддий ёрдам кўрсатилди. Бир сўз билан айтганда, Кўнғиротда ҳам Наврўз зўр шодияналар билан кутиб олинмоқда.

**Эркин КАНИЯЗОВ,**  
Кўнғирот тумани прокурори





Қолган ишга қор ёғар деган нақл бежиз айтилмаган. Чунки бирор мақсадни кўзиб бошланган иш у ёки бу сабаб билан охирига етказилмай қолиб кетса, бўлингки, бу қандайдир чигалликни бошлаши тайин.

Бундан йигирма беш йил аввал Сирдарё туманидаги «Шоликор» жамоа ҳўжалигида яхши ниятлар ила фуқаролар учун турар-жой ва болалар боғчаси куриш учун бир ярим гектар ер ажратилган бўлиб, курилишни олиб бориш мазкур ҳўжаликнинг буюртмасига кўра ҚМБ-1 курилиш ташкилотига топширилди. Шартномага кўра, курилиш бошлаб юборилди. Лекин ҳеч қанча вақт ўтмасдан молиявий таъминот бўлмаганлиги учун ишлар тўхтаб қолади.

Орадан бир неча йил ўтиб, курилиш ҳаммининг эсидан чи-

М.Аҳадовнинг мулки деб топади ва О.Абдуллаевнинг туман ҳўжаликка мулк ҳўққини тасдиқловчи гувоҳнома бериш мажбуриятини юклаш ҳақидаги даввосини рад этади.

Иш апелляция тартибда куриладиган биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қўрилди.

Албатта, суднинг бундай қарори ҳар икки «мулкдор»ни қониқтирмайди. Чунки уларнинг ҳар бири бу вазиятда ўзича ҳақ эди. Бу эса ишнинг ҳақиқий ҳолатларини билмаганлар учун қўл келди. Кимдир мулк биринчи пул тўлаганники деса, яна кимдир сотиб олган бўлса, фойдаланиши керак эди деган гапни айтди.

Аслида ким ҳақиқий ва суд қарорларининг нечоғли асослиги ўрганиб қўрилганда, ФПКнинг 15- ва 57-моддалари

Низоли бино курилиши учун «Шоликор» ҳўжалиги худудидан Ер кодексининг 62-моддасига асосан ер ажратилган бўлиб, суд ҳеч бир асосиз ҚМБ-1 ташкилотини шу бинонинг мулкдори деб топиб, курилиши тўғалган бино М.Аҳадовга 136 минг 750 сўмга сотилганлиги ҳақида нотўғри хулосага

асосида қабул қилинганини ҳам суд текшириб кўрмаган. Ҳақиқатда эса туман ҳўқимлиги бу қарорни қабул қилишда Сирдарё туман прокуратурасининг 2000 йил 29 августдаги тақдимномасини асос қилиб кўрсатган. Лекин ушбу тақдимнома олиб ўрганилмагандан, нега бир йилдан кейин, яъни 2001 йили



## «Қордан» кейинги ғавғо

қиб, эгасиз аҳволга келиб қолганидан кейин 1998 йили сирдарёлик М.Аҳадов (исм-фамилиялар ўзгартirilган) чала ҳолатда курилиш объектнинг бетон плиталарини сотиб олади. Аммо М.Аҳадов пули тўлаб қўйилган плиталарни уч йил давомида аниқ бир мақсадда ишлатмаганлиги учун 2001 йили «Шоликор» кишлоқ фуқаролар йиғини ва туман ҳўқимлигининг қарори билан бу объект янги харидор — О.Абдуллаевга бериб юборилди. Бундан хабар топган М.Аҳадов объектга эгалик ҳўққини унга тегишлилигини билдириб, турли идораларга мурожаат этади. Бирок, янги эга ҳам бўш келмаётганилиги, туман ҳўқимлиги эса ўз билганидан қолмаётганидан безган М.Аҳадов судга мурожаат этади.

Фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё туманлараро суди даввогарнинг талабини қисман қаноатлантириб, низоли объектни

талаби бузилганлиги, аниқроғи, ишнинг ҳақиқий ҳолати, тарафларнинг ҳўқуқ ва мажбуриятлари ҳолисона аниқланмаганлиги маълум бўлди. Чунки, иш материалларидан куринишича, 1982 йили Сирдарё туман ижрокўмининг 18/2-қарорига кўра бошланган, аммо молиявий таъминот лозим даражада бўлмаганлиги учун ниҳоясига етмасдан тўхтаб қолган мазкур чала курилиш объекти дастлаб 1998 йили М.Аҳадовга сотилиб, 2001 йили эса туман ҳўқимлиги ва фуқаролар йиғинининг қарори билан О.Абдуллаевга берилганда мулкнинг ҳақиқий эгаси аниқланмаган. Бинобарин, суд ҳам ишни кўриб чиқиш жараёнида низоли боши аслида қайси ташкилотнинг балансидалиги ва буюртмачи ташкилот кимлигини аниқламаган. Буюртмачи ва пудратчи ташкилотлар ўртасида тузилган курилиш шартномаси, ҳисоб-китоб ва бошқа молиявий ҳўжатлар ўрганилмаган.

хўққини берувчи ишончномани, даввогарнинг 1992 йилдан бери низоли хонадонда яшаб, барча коммунал тўловларни тўлаб келётганини асос қилиб олган. Шунингдек, даввогар 1982 йили С.Введенскийдан уйни сотиб олиб, нотарий тартибда расмийлаштирмаганлиги, олди-сотди фактини гувоҳлар тасдиқлаганлиги ва бу билан суд ФКнинг 112-моддаси талабларига асосланганини кўрсатган.

Ваҳоланки, иш ҳўжатларидан аниқланишича, тарафлар ўртасида

келади.

Ваҳоланки, ФКнинг 210-моддасига мувофиқ, белгиланган тартибда ажратиб берилган ер участкасида курилатган янги уй-жойга мулк ҳўққини давлат рўйхатидан ўтказилган лайддан бошлаб вужудга келади ва курилиши тўғри бўлиб, рўйхатдан ўтказилганига қадар маҳаллий ҳўқимнинг органларининг рухсатисиз бошқа шахсга берилиши мумкин эмас.

Фуқаролик ишида низоли бино М.Аҳадовга ҚМБ-1 ташкилоти томонидан қайси ҳўжатлар асосида сотилганлиги ҳақида далиллар мавжуд эмас. Лекин шунга қарамай, суд ФКнинг 182-, 183-моддалари талабини нотўғри қўлланганлигида М.Аҳадовга низоли биного эгалик ҳўққини белгиллаб берган.

Бундан ташқари, Сирдарё тумани ҳўқимининг низоли бинони О.Абдуллаевга бериш ҳақидаги 2001 йили қабул қилган қарори қайси ҳўжатлар

қўриб чиқилганлигига аниқлик киритилмаган.

Апелляция инстанцияси эса биринчи инстанция суди йўл қўйган шу каби хатоларга эътибор бермаган.

Иш учун аҳамиятга эга ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги, суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятли ҳолатлар исботланмаганлиги, суднинг ҳал қилув қарорига баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ келмаслиги, моддий ҳўқуқ нормалари бузилганлиги ёки нотўғри қўлланганлиги суд қарорини апелляция, кассация ва назорат тартибда бекор қилишга олиб келади. Бу эса суд қарорларининг Бош прокуратура томонидан киритилган протестга кўра Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан бекор қилинишига сабаб бўлди.

**М.АШУРОВА,**  
Республика Бош прокуратураси бўлим прокурори

Шунингдек, умумлаштириш давомида судларнинг бу тоифадаги ишларни ўта юзаси кўриши, суд қарорига баён қилинган суднинг хулосалари иш ҳолатларига мувофиқ келмаслиги, ишнинг қонуний ҳал қилишида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаган ваҳоланки ҳам мавжудлиги кўзга ташланади.

Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг 2005 йил 28 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даввогар К.Иманбековнинг жавобгар В.Боровиковага нисбатан умрбод

раф битимни тасдиқлаш учун тақдимнома эзма далилларнинг ҳақиқийлигига ишонч ҳосил қилиши шарт. Керак бўлса (масалан, собиқ уй эгасининг вафоти ёки яшаш жойининг номаълумлиги) суд-хатшунослик экспертизасини тайинлаш зарур. Бирок, ушбу ишни кўришда олди эзма шаклда тузилган шартномадаги В.Боровиковага тегишли деб ҳисобланаётган имзо суд томонидан шубҳа остига олинмаган. Мазкур ҳолатта оидинлик киритиш мақсадида Тошкент шаҳар прокуратураси тайинла-

## Айбдорлар жазосини олди

2005 йил 19 декабр куни Нукус шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари фуқаро Манутов Жолғасга назорат тартибда наркотик модда сотиб олиш учун баённома билан рақамланган 10 минг сўм пул берган ва икки ҳолис гувоҳ билан биргаликда Нукус шаҳри Аҳмад Югнакий кўчасининг бошига бориб туришган. Ж.Манутов пулни олиб бир ўзи Калжанов Женгисбойнинг уйига кириб кетиб, бироздан кейин чикиб милиция ходимларига бир пакет ок-сарик рангли кукунсимон нарсани ҳолислар иштирокида топширган. Шу вақтинг ўзида милиция ходимлари Аҳмад Югнакий кўчаси 24-уйда яшовчи Ж.Калжановнинг уйига борганларида у ердаги шифонернинг устидан рақамланган 10 минг сўм пул ва уч пакет ок-сарик рангли кукунсимон моддалар топилди, ашёвий далил сифатида олинган. Милиция ходимлари Ж.Калжановнинг хонадонини кўздан кечираётганда унинг уйига танишлари М.Абдулов, М.Райимов ва А.Медатбоевлар кириб келган. Милиция ходимлари уларни гумон қилиб тинтув қилганларида ҳар бирининг қўлга олинган 0,1 граммдан героин топилди, ашёвий далил сифатида олинган. Улар героинни 2005 йил 18 декабрда Ж.Калжановдан сотиб олганликларини айтишган ва ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми «а» банди бўйича, Ж.Калжанов эса 273-моддаси 5-қисми бўйича айбланиб, қамоққа олинган.

Жиноят иши 2005 йил 31 декабрда айблов хулосаси билан судга юборилган. Мазкур иш жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Олий судида 2006 йил 11 апрел куни қўрилиб, қўшимча терговга қайтарилган.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси томонидан жазо енгиллиги ва асосиз қўшимча терговга қайтарилганлиги сабабли киритилган ҳусусий протестга асосан жиноят иши Қорақалпоғистон Олий суди апелляция судлов ҳайъатида 2006 йил 10 май куни қўрилиб, ажрим ўзгаришсиз қолдирилган.

Шундан кейин Қорақалпоғистон Республикаси прокуратура жиноят иши бўйича Ўзбекистон Бош прокуратурасига 2006 йил 2 июн куни судланувчиларга нисбатан тайинланган жазо енгиллиги сабабли тақдимнома юборган.

Бош прокуратура томонидан судланувчиларга нисбатан жазо енгиллиги учун Ўзбекистон Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига назорат тартибда протест киритилиб, 2006 йил 8 август куни қўриб чиқилган. Суд қарорлари бекор қилинган ва жиноят иши янгидан судда қўриш учун жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Олий судига юборилган.

2006 йил 25 сентябрда иш судда қўриб чиқилиб, судланувчиларга тегишли жазо тайинланиб, улар суд залида қамоққа олинди.

**М.ХОЛМУРАТОВ,**  
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси биринчи ўринбосари

## «ХОНАКИ» БИТИМЛАР

ларда судлар мазкур тоифадаги ишларни ҳал қилишда ҳўқуқ нормаларини нотўғри қўллаган, процессуал нормаларини бузилишига йўлқўйган. Бу эса қонуний ва асосиз суд қарорларини чиқарилишига олиб келган.

Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг 2005 йил 7 июндаги ҳал қилув қарори билан даввогар М.Азимовнинг жавобгар С.Введенскийга нисбатан хонаки олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топиш ва уй-жойга эгалик ҳўққини белгиллаш ҳақидаги даввоси қаноатлантирилган. Иш ҳўжатларидан аниқланишича, Ҳамза туманидаги ушбу хонадон 1991 йил 10 октябрдаги олди-сотди шартномасига асосан С.Введенскийга тегишли ҳисобланди.

Суд даввоси қаноатлантиришда 1991 йил 10 октябрда С.Введенский Т.Азимовга берган уйни сотиш

### ёхуд уй-жойнинг эгаси ким?

уйнинг олди-сотди шартномаси эзма шаклда тузилмаган. Зеро, қайд этилган ишончноманинг мавжудлиги тарафлар ўртасида тузилган олди-сотди шартномасини тасдиқлаш учун асос бўла олмайди. Бундан ташқари, мазкур фуқаролик иши С.Введенскийнинг иштирокисиз қўрилган. Суд жавобгарни тегишли тартибда ҳабардор қилганлигини кўрсатади. Ҳақиқатан, иш ҳўжатларида «чакриув хатлари мавжуд, лекин жавобгар бу хонадонда яшамаётганлиги маълум бўлса-да, ушбу хатлар нима учундир низоли уйга юборилган.

Мазкур суд қарорига Тошкент шаҳар прокуратури фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди раёсатига протест келтирган ва у 2006 йил 28 февралда қаноатлантирилган.

таъминлаш шarti билан квартирани бериш шартномасини тасдиқлаш тўғрисидаги даввоси қаноатлантирилди. Бу эса Тошкент шаҳар Бектемир тумани Соловёва кўчаси 8-уй 2-хонадонга эгалик ҳўққини белгиланган.

Фуқаролик иши ҳўжатларида В.Боровикованинг ўлими ҳақидаги гувоҳнома мавжуд бўлса-да, суд вафот этган шахсни жавобгар сифатида жалб этган. Шунингдек, жавобгарни маҳаллий давлат ҳўқимияти ва турар-жой органлари билан алмаштирмаган.

Ўзбекистон Олий суди пленумининг «Фуқаролик кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида»ги қарори 5-бандига асосан, суд низоли ҳал қилишда манфаатдор та-

ган суд-хатшунослик экспертизаси хулосасига кўра, «хонаки» шартномадаги В.Боровикованинг имзосини бошқа киши қўйганини аниқланган.

Ушбу суд қарори юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига шаҳар прокуратури назорат тартибда протест келтирган, 2007 йил 1 февралда раёсат қарори билан протест қаноатлантирилган.

Шунингдек, даввогар Ж.Умаровнинг жавобгар М.Каримовага нисбатан «хонаки» олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топиш ҳақидаги фуқаролик иши юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтохур туманлараро судининг 2006 йил 15 мартдаги ҳал қилув қарори туман прокуратурининг кассация протести ва кассация шикоятга асосида бекор қилин-

ган. Фуқаролик иши янгидан бошқа тартибда қўриш учун юборилган. Биринчи инстанция судининг қайд этилган ҳал қилув қарори билан Шайхонтохур тумани Ҳасибий кўчаси 20-а уйнинг «хонаки» олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топишган ва Ж.Умаровга мазкур уй-жойга эгалик ҳўққини берилган.

Иш ҳўжатларидан аниқланишича, ушбу уй-жой А.Муллахановга мулк ҳўққини асосида тегишли бўлиб, у мазкур уйни тенг улусида хотини М.Каримова ва ўғли Х.Муллаханов-

га васият қилиб қолдирган. Мазкур келишув бўйича низоли хонадон М.Каримова билан Х.Муллаханов ўртасида бўлинган, лекин ер участкаси умумий фойдаланишда қолган. М.Каримова ўз улусини «хонаки» олди-сотди шартномасига асосан Ж.Умаровга сотган.

Суд мазкур шартномани ҳақиқий деб топиб, ФКнинг 224-моддаси талабини, яъни Х.Муллахановнинг имтиёзли сотиб олиш ҳўққини бузилишига йўл қўйган.

Умумлаштириш якунига кўра Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан 4 та жиноят иши қўзғатилган. Қайд этилган тоифадаги фуқаролик ишлари юзасидан 35 та протест келтирилиб, 32 таси қаноатлантирилган, қолганлари қўрилиш арасида.

**Санобар НИЗМЕТОВА,**  
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи

— Алло, бу Сожидами?  
 — Ҳа, менман. Ким бу?  
 — Сардорман. Равшани тоғдим. Ҳозир машинада шахар чеккасига кетаяпмиз. «Бетонка» бошланадиган жойда учрашамиз. Қанчада келасиз?



Дунёдаги барча эгуликлар аёлга кўйбланади. Аёлларнинг гўзал фазилатларини, меҳру садоқатини ҳар қанча таърифув тавсир этсак оз. Қолаверса, шавкатли авлодга ҳаёт инъом этган оналар ҳар қанча эъозлашга арзийди. Аммо... Афсусли, орамизда яна шундай аёллар ҳам борки, уларнинг қилмишини нима билан оқлашга ҳам ҳайрон қолади, киши. Кўйидаги икки воқеани ўқиб, ўзингиз бу ҳақда хулоса чиқарарсиз!

— Ҳозир етиб бораман. Такси ушлаб айтилган манзилга етиб келган Сожиданинг кўзи (исмлар ўзгартирилган) йўл четида тўхтаб турган машинада ўтирган Сардорга тўшди-ю тўғри келиб олд ўриндиққа ўтирди.

— Шу болами?  
 Сожида орқасига ўтирилган экан, Сардор ёнида ўтирган одамнинг бошидаги қопни олди. Аёл унга қаради-ю, жавоб бермасдан «Ҳа» деган ишорани қилди. Сардор шу заҳоти тўтқуннинг бошига қопни кийгизиб, ҳайдовчига «ҳайдаш» ишорасини қилди.

Озроқ юрмасларидан ЙХҲ деган ёзуви кўрган Сожиданинг бирдан юраги орқасига тортиб кетди. Шоша-пиша бир парча қоғозга русчалаб, «ГАИ. Как проездом?» деб ёзди-да, орқага узатди. Сардор ҳам қоғознинг орқа томонига «Это мои проблемы» деб ёзиб, қайтариб берди. Аммо бу Сожидани қониқтирмади, шекилли, машинани тўхтатишни сўради.

«Постдан ўтгач ўтираман». Машина постдан ўтгач, яна келиб жойига ўтирди. Кўп ўтмай, ташландиқ бинога етиб келишди. Сардор ёнидаги шахсини машинадан тушириб, қопни олиб ташлади-ю шу заҳоти оёғига тепиб йиқитар экан, Сожидага юзланди:

— Захар ёнингиздами? Яхши. Вада қилинган пул-чи? Бўлмаса захарни менга беринг. Тайёрлаб тураман. Унгача гапирадиган гапингиз бўлса бемалол...

Сардор танишининг дўконига гоҳ-гоҳ кириб туради. У ёқ-бу ёқдан сўхбатлашган бўлади. Бугун ҳам йўли шу томонга тушиб, дўконда ўтирган эди, бир аёл кириб келди. Маълум бўлишча дўкон эгасининг синглиси экан. Дўкдор жойида уларни таништириб қўйди. У ёқ-бу ёқдан гаплашган бўлишиди. Сўхбат давомида Сардор унга маъқул келди, шекилли, Сожида таранг қилмай, ўзини анчадан бери қийнаб келатган муаммони ҳал қилишда шу йигитдан фойдаланишга аҳд қилди.

— Сиздан бир нарсани сўрасам бўлади-ми?  
 — Бемалол, агар қўлимдан келса.  
 — Назаримда сиз уддалайсиз. Биласиз-ми, бир одам мени анчадан бери қийнаб келмоқда. Жоним ҳиқилдоғимга келди. Шун-

га...  
 — Нима қилиш керак? Гаплашиб қўям-ми?  
 — Э, йўқ. Гаплашиб кўришди. Фойдаси бўлмади. Хуллас, йўқотиш керак.

— Улдириш керакми?  
 — Ҳа. Аммо соққаси нақд. Хавотир олма-нг.

— Бу иш осон эмас. Шуни биласизми?  
 — Билмаганимда сиздан сўрамасдим. Қўлингиздан келадими ё йўқми? Қанчага тушди?  
 — Хўш-ш, — Сардор бироз ўйланиб турди, — қанча бера оласиз? Айтмоқчи, у ким ўзи? — деб сўради.

— «Кўки»да 500 бўладими? Агар рози бўлсангиз, қилмигини кейин айтаман. Розимисиз? Яхши. Ундай бўлса, бу менинг телефон рақамим. Ҳозир унинг яшаш жойини ёзиб бераман...  
 Қутилмаган таклифдан Сардорнинг кун бўйи боши қотиб юрди. Охири бир қарорга келди-да, эртаси кун тўғри Тошкент шахар ИИББ бошлиғи номига ариза ёзиб берди. «Елланма қотилнинг қутилмаган аризаси бўйича тезда режа ишлаб чиқилди. Сардордан бюротмачи билан яна қачон учрашишини сўраб, унга сўхбатни ёзиб олиш учун диктафон ҳам беришди.

Икки ишлар бош бошқармасидан чиққан Сардор Сожидага кўнгирак қилиб, учрашувининг жойи ва вақтини белгилаб олди. Сожи-

да келишилган-дек, соат 12га етиб келди.

— Нархни оширмасам бўлмайди, — гап бошлади Сардор. — Камида 800 бўлади. Розимисиз?  
 — Гап йўқ. Фақат бир шартим бор. Жасадни ёқиб юборасиз. Узим гувоҳи бўлишим керак. Қўлингиздан келадими?  
 — Сизга нима фарқи бор? Нима қилиб

ўтқазилди. Анча юришганидан кейин машина тўхтаб, кимдир ўтирди. Шу заҳоти бошидан қопни олишган эди, Равшанининг кўзи олд ўриндиқда ўтирган Сожидани тўғри келди. Ёнидаги бегона одам уни кўрсатиб, Сожидадан «Шуми?» дея сўради. Сожида «Ҳа» ишорасини қилгач, яна қопни кийгизди. Машина йўлга тушди...

— Менга қара, шу даражагача етиб келишимиз шартми-а? Нега мени бунчалар қийнайсан? Тинч қўясанми, ё йўқми? Мана оқибати. Энди ўзингдан кўр.

— Ҳеч нарсани тушунмаяпман. Меңинг айбим нима, ахир? Совчи қўйдим, уйингдайлар берилмади. Уй оламан деб 1400 доллар олдинг. Аммо қайтармадинг. Яна нима қилишим керак?

— Бўлди, гап тамом. Сардор, бошланг бўлмаса, — Сожида Сардорга юзланди, —

## СУНИК-СУД

бўлсам, ўлдириб суратини кўрсатсам бўлди-ми?

— Йўқ. Бунақаси кетмайди? Ўз кўзим билан кўрмасам кўнглим тинчмайди.

— Майли, сиз айтгандек бўлади. «Объект»ни қачон кўрсам бўлади?

— Эртаси соат 9 ларда институтнинг ёнида учрашамиз. «Ўлжа»нгизни ўша ерга чақираман. Кўриб оласиз.

Эртаси кун Сардор Сожида билан келишилган жойда учрашди. Анча туришди. Аммо «объект» нима учундир келмади.

— Энди келмаса керак. Бўлмасам-чи, сиз кетавering. Топган захотим ўзим сизга кўнгирак қиламан. Келишдикми? Уч кундан кейин пешинларда яна учрашамиз.

Учинчи кун улар яна учрашди.  
 — Ўшани топган захотингиз менга хабар берасиз. Ишни битирганимиздан сўнг, келишганимиздек 800 долларни сизга бераман. Мана, захар ҳам тайёрлаб қўйдим. Ўзим унга ичираман.

Милицияга чақиришгаётганини эшитиб, Равшан аввалига ҳайрон бўлди. Нима айл қилган эканман, дея боши қотди. У ерга келиб, ўзига нисбатан қотил ёлланганини эшитгач эса, умуман довдираб қолди. Ҳайтовур ходимлар ҳамма иш назоратда эканлигини, энди жиноятни фош қилишда унинг ёрдами кераклигини айтиб, кўнглини хотир-жам қилишди. Хуллас, келишилган вақтда, унинг бошига қоп кийгизиб, бир машинага

орани очиб қилиб олдик.

— Мана, тайёр. Аввал пулни бермайсизми?

— Ҳа, айтганча, мана ҳозир, — Сожида шундай дея сумкасидан пуллари олар экан, Сардорга тутқазди. — Мана 500 доллар. Бу ерда 630 минг сўм. Ҳисобига тўғриланман.

Шундан кейин Сардор баклашкани Сожидага бериб, ўзи Равшанининг қўлларини ушлаб турди. Равшан суюқликни ичмаслик учун ҳар қанча ҳаракат қилмасин, бўлмади. Бурнини беркитишганидан кейин, беихтиёр оғзини очигача мажбур бўлди...

— Ана энди, ўласан.  
 Тўтқуннинг юзига оёғини босганча, вазоҳат билан турган Сожиданинг оғзидан шу гап чиқар-чиқмас тезкор гуруҳ ходимлари пайдо бўлишди...

Инсонга жон берувчи ҳам, олувчи ҳам Оллоҳдир, дейилади диний китобларда. Шундай экан, айримларнинг қилмишини эшитиб лол қолади, киши. Агар Сардор вақтида тегишли жойга мурожаат қилмаганида, ёки Сожида унинг ўрнига бошқа одамга учрашганда борми? Оқибати нима билан тугаши ҳақида бир нарсга дейиш қийин. Нима бўлганда ҳам бир инсоннинг тутган тўғри йўли тўғри йўли иккинчисининг ҳаёти сақлаб қолинди. Энг асосийси эса ана шу!

**Музаффар ЭГАМБЕРДИЕВ,**  
 Тошкент шахар прокуратураси бўлим бошлиғи

Чўл шамоли Айина билан ўйнашмоқчидек сочларини тўзгитиб юборди. Қадрдон гўша — Газли шаҳри кўзига жаннатдек кўри-ниб кетди. «Вақтнинг югурклигини қаранг-а, кечагина коллежда ўқийман деб Бухорога келгандим. Бугун эса...» — қиз ҳаёл оғушида уйга қайтарди. Қўзига орауларни ушлаётганидан Ойимхон ҳам хурсанд (исмлар ўзгартирилди).

— Эртадан иш бошлайсан, қизим, — деди дастурхон бошида она, — магистрал газ қувурлари

ди Айина.  
 Шўх-шодон кунлар. Қўзнинг рўпарасига мастер «Жигули»си билан келиб тўхтади.

— Айина, қиз машинага, уйингга элтиб қўяман.

— Яхши бўларди, — эътироз билдирмади қиз. Икковлашиб йўлга чиқишди.

Дунёнинг «у чеккасидан бу чеккасигача» куруқ гап билан сەҳнат қилган Нодир ҳам, ҳаётнинг банд-пастини анча англайдиган 23 ёшли Айина ҳам пайгамбаримиз



«Вой, тунов кун юбилейда сакраб-сакраб ўйнади-ю», «Ҳомилалор бўлса ўқирди-да» — яна ҳамма бир-бирига таскин берди. Эл оғзига элак тутиб бўлмайди. Узуқ-юлуқ ҳаномалар онани ташвишга солди.

— Ҳой, сен қиз, эшитишимча, Нодир дегани билан...

— Ишонманг, одамлар ҳозир оёғи билан эмас, тили билан юрадиган бўлишган, онажон...

Муштипар она бу гапга ишонди.

Кундан-кун тўлишиб бораётган Айина ойна этак билан ёпиб бўлмаслигини ой-кунга яқинлашган сайн тобора чуқурроқ англаб борарди. Ҳатто Нодирдан ҳам ҳомилалорлигини яширди.

2006 йил 18 сентябр. Бутун ву-жулда уйғонган оғриқ жонини қақшатар, тўлоқ бошланган эди. Оналик мартабасига эришмоқ — бахт. Аммо Айина учун бунинг сира аҳамияти йўқ.

Уни йўқотинг.

— Эсинг борми? Ундан кўра ўзим фарзангликка оламан. Эримни кўндираман.

— Йўқ-йўқ, уни йўқотмасангиз мен ўзимни-ўзим...

Ўрозгул чақалоқни эски бир костюмга ўраб чўлга отланди. У «ойла шаънини асраятман» деб ўйларди, аммо инсонийликни тамоман эсдан чиқараётганини, жиноятга қўл ураётганини ўйламади.

Апил-тапил қазилган «қабр»га қизалоқни қўймоқчи бўлган Ўроз-гул титраб кетди. Гудак жажжи қўлчалари билан холасининг бармоқларини маҳкам ушлаб турар, кўзлари жовлираб, лаблари тамшанган қўйи гўё нажот сўраб тил-пирчиларди.

Тирик чақалоқ устига тупроқ тортилди. Ҳозиргина кўз очиб дунёни кўрган нигоҳлар кумга тўғли.

Наҳотки, аёл шу каби қабиҳ-ликка қодир бўлса?!

Айина ҳамда Ўрозгул Явмутовалар қонун олдида жавоб беришди.

**Анвар КОЗИМОВ,**  
 Бухоро вилоят прокуратураси бўлим бошлиғининг ўринбосари  
**Моҳира ШАКАРОВА,**  
 журналист

## ОЙНИ ЭТАК БИЛАН ЁПИБ БЎЛМАЙДИ

тармоқ ишлаб чиқариш бошқармасига газ оқимининг кузатувици бўлиб ишга кирган Айинага насихатомуз. — Қиз бола гудак нозик, ҳарирдек тоза бўлади. Эҳтиёт бўл...

— Ҳечам хавотирланманг, онажон, — қиз онасига таскин берди. Аммо биргина қўйилган қалтис қадам инсон ҳаётини тамоман издан чиқариб юборишини ўйлаш айни дақиқда Айинага керак эмас эди.

Ишхона — иккинчи уйинг. Бирга ишлайдиган ҳамкасблар яқин қариндошларинг қамб қадрдон.

(с.а.в.)нинг: «Икки бегона жинс вакиллари ёлғиз қолганларида уларга албатта шайтон шериклик қилади», деган ҳадисидан бехабар эди.

Кум барханларини ортда қолдириб олиб бораётган машина секинлашди.

— Хўп десангиз, аэропорт томонда пиво сотадиган жой бор, ўша жойда бир ўтирайлик.

— Майли, — бу гап ҳам қиз рад жавоб ўрнига қизариниб мойиллик билдирди.

Шайтон амалини кўрсатди. Ҳаё, ному, шаън унуттиди. Зино ва нафсининг қўлида ор, гурур кишидан қўлга айланди...

Айина ҳам, Нодир ҳам бу кунни унуттишга қўп ҳаракат қилишди. Бироқ, нафс кургурнинг мўрт

занжири дош бермади. Сирли нигоҳлар, яширин учрашуларда ҳаё меҳробига дара кетди.

Ишдаги ишқ жоғароси ҳақида гап-сўзлар тарқалди. «Тавба, Ойимхоннинг қизи Айина...», «Йўғе, у эракнинг оиласи бор-ку...», «Хотини рашк қилиб кетиб қолибди...».

«Вой, тунов кун юбилейда сакраб-сакраб ўйнади-ю», «Ҳомилалор бўлса ўқирди-да» — яна ҳамма бир-бирига таскин берди. Эл оғзига элак тутиб бўлмайди. Узуқ-юлуқ ҳаномалар онани ташвишга солди.

— Ҳой, сен қиз, эшитишимча, Нодир дегани билан...

— Ишонманг, одамлар ҳозир оёғи билан эмас, тили билан юрадиган бўлишган, онажон...



# Ҳафталик теледастурлар

# ҲИҚИҚТ

2007-yil 21-mart, № 12 (533)

Моҳият

Холис ва сер-мулоҳаза одам ўз ҳукмини ай-тишга ҳеч вақт ошиқ-майди.

г.Филдинг

**26-mart, Dushanba**

07.00, 18.00 «Премьера» (Ўзб.)  
07.30, 10.40, 14.00, 16.30, 18.30, 20.50 Ўзбек навалари  
08.00, 19.00 «Премьера» (рус)  
08.30 «Сайилгоҳ»  
08.45, 13.00, 15.45, 17.30 Мир-овье хити  
09.00, 19.30 Серил «Тайная стра-жа»  
10.00 «Сўнас орузлар»  
11.00 Кино-SMS. Фильм победи-тель прошлой недели  
15.00 Теленяня  
17.00 «Судьбы-Такдирлар»  
20.30 «Спецрепортаж»  
22.00 X/ф «Продюсеры»  
00.30 Миксер

навалари  
08.00, 14.30, 19.00 Марказ NEWS (рус.)  
08.10, 14.40, 15.45 Мировые хиты  
09.00, 19.10 Серил «Тайная стра-жа»  
10.00 «Премьера» (Ўзб.)  
11.00 X/ф «Продюсеры»  
15.00 Теленяня  
17.00 «Топ-20»  
20.10 «Сайилгоҳ»  
21.00 «Великолепная семёрка»  
22.00 X/ф «Джентельмены удачи»  
23.45 Миксер

**28-mart, Chorshanba**

07.00, 13.30, 18.00 Марказ NEWS (Ўзб.)  
07.10, 10.30, 14.10, 16.15, 18.10, 20.10, 21.30 Ўзбек навалари  
07.30 «Премьера» (рус)  
08.00, 14.30, 19.00 Марказ NEWS

**TV МАРКАЗ канали ҳафталик дастури**

(рус.)  
08.10 «Навбат» Рашид Холиков билан  
08.50 Мировые хиты  
09.00, 19.10 Серил «Тайная стра-жа»  
10.00, 12.45, 14.40, 15.45, 17.45 Мировые хиты  
11.00 X/ф «Джентельмены удачи»  
13.40 «Олдузли пайшанба»  
15.00 Теленяня  
16.00 «Сайилгоҳ»  
21.00 «Миссия неповторима»  
22.00 X/ф «Берегись автомобиля»  
23.50 Миксер

(рус.)  
08.10 «Топ-20»  
09.00 Серил «Тайная стража»  
11.00 «Любовь с уведомлением» худ. фильм  
